

Ҳақиқий дўст



11:00 / 18.04.2022 4294

Китоб холис суҳбатдош, тўғрисиў ва содиқ дўст. Сиздан малолланмайдиган ҳамроҳ. Мол-дунёингиз уни қизиқтирмайди. Ичингиздаги сирларингизни ялтоқилик билан билиб олмайди. Сизга макр-ҳийла ҳам қилмайди, мунофиқларча алдамайди, ёлғон сўзламайди. У ҳақиқий дўстдир.

Китобга қараганингиз сари ундан фойда оласиз, завқ-шавқ туясиз ва роҳатланасиз, зеҳнингиз ойдинлашади, тилингиз равон бўлади, ифодангиз кўркем, руҳингиз тетик, қалбингиз обод бўлади, сизга халқ ҳурмати, подшоҳлар садоқатини инъом этади.

Китоб сизга туну кун ва ҳар ерда яхшилик қилади. Китоб бир лаҳза ҳам ором олмайди. У бедорликдан чарчамайдиган, керагида сизга ёрдамлашиб келадиган муаллимдир. Ундан йироқлашсангиз ҳам сиздан ранжймайди, бераётган фойдасини тўхтатиб қўймайди, сизга итоат қилишда давом

этаверади. Агар душманларингиз иши юришиб қолса, сизни ташлаб улар томонга оғиб кетмайди. Қачон у билан бирга сизни юксакларга элтувчи пиллапояга қадам қўйсангиз ёки маърифат арқонига осилсангиз, яъни машаққат билан етиладиган қайси ишга киришсангиз, сиз учун унинг ўзи етарли ёрдамчидир. У билан бирга экан, киши ўзини ёлғиз ва чорасиз ҳис қилмайди. Ҳеч бўлмаганда, китоб сизни уйингиз олдидан ўтувчи йўловчиларга мақсадсиз қараб ўтиришдан сақлайди. Бу билан сиз жуда катта фойдага эришган бўласиз.

Жоҳиз Абу Усмон Амр ибн Баҳр

«Ҳилол» журналининг 9(30) сонидан олинди